

# Хабар

14

(915)-son

2-aprel

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Тараккиёт: ёшлар хиссаси ошмоқда

Фарғона

“Фарғона Телеком” филиали телекоммуникациялар боғламалари фаолиятининг вилоят иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига таъсири кундан-кунга ошиб борапти.

Айниқса, телекоммуникация оператори сифатидаги ишларида бу нарсга яққол намоён бўлмоқда. Барча шаҳар ва туман марказларини ўз тармоғи билан қамраб олмақда. Замонавий технологиялар асосидаги тармоқ орқали турғун ва мобил, шаҳарлараро ва халқаро алоқа операторлари ҳамда интернет провайдерлар учун каналларни ижарага бериш, товушли алоқа ва маълумотни узатиш хизматлари, интернет тармоғи, видеокофференцалоқа, CDMA стандарти асосида мобил алоқа каби қатор хизматлар кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, филиал томонидан телевидение ва радио эшиттириш дастурларини узатиш учун каналлар ташкил этиляпти. Ҳокимликларнинг идоралари ва муассасаларига телекоммуникация хизматлари етказиб берилмоқда.

5-бет



09

### ЯНГИ ТАРИФЛАР

“Ўзбектелеком” АК 2010 йил 25 мартдаги “125-1/7-сон нархномасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 112-буйруғига мувофиқ, “Ўзбектелеком” АК томонидан шартномавий (эркин) асосда ўрнатиладиган телекоммуникация хизматлари тарифлари 125-1/7-сон нархномасига ўзгартиришлар киритилган бўлиб, жорий йилнинг 1 апрелидан эътиборан амал қилади.

Мазкур нархномага биноан, Қўнғироқлар маркази томонидан “Абонентларга автоматик равишда қўнғироқларни амалга ошириш” қўшимча хизматлари жорий этилган бўлиб, унга кўра абонент рақамининг умумий миқдорига биноан тарифлар белгиланган.

“Виртуал офис” сингари хизматлар учун “Платина” рақамлари (200-AA-AA, 200-AA-BB), “Олтин” рақамлари (200-AB-BA, 200-AB-AB) ва “Кумуш” рақамлари (200-AB-CD, 200-A0-B0, 200-A0-00, 200-00-0A) бўйича янги тарифлар жорий қилинган.

Бундан ташқари, “Аутсорсинг” ва “Кулинария рецептлари” каби хизматлар жорий қилинган. Батафсил маълумот [www.uztelecom.uz](http://www.uztelecom.uz) сайтида.

### Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

WiMax Forum маълум қилишича, жорий йилда WiMax симсиз технологиясидан фойдаланувчилар умумий сони 800 миллиондан, 2011 йилда эса 1 миллиарддан ошиши кўтилмоқда. 2009 йил якунларига кўра, жаҳон бўйича 147 оператор 620 миллион абонентга хизмат кўрсатган.



Худудлар бўйича ҳисобланганда, Осиё-Тинч океани минтақасида фойдаланувчилар сони 240, Европада 115, Лотин Америкасида 113 ва Африкада 108 миллионгани ташкил этган.

### Ушбу сонда:

- Ҳайъат йиғилишида 2
- Югославия домени ёпилди 4
- Авторские свидетельства на лабораторные стенды 6
- Улкан куч 12
- Хулқи хушнинг умри хуш 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

Uz Net — сифат рамзидир  
Internet Service Provider

## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 март куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.

Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига ташрифига тайёргарликнинг боришига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

30 март куни пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида "Ташаббус-2010" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё вилоятидаги "Турон-Бунёдкор-Қурилиш" инжиниринг компанияси раҳбари Эркин Тўхтаев "Энг яхши тадбиркор", Наманган вилоятидаги "Чашма сафел" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидхон Мўйилхўжаев "Энг яхши фермер", тошкентлик ёғоч ўймакорлиги устаси Камолддин Раҳимов эса "Энг яхши ҳунарманд" деб топилди. Ғолибларга Президент соврини – "Матиз" автомобилларининг калитлари ва ҳомийларнинг эсдалик совгалари топширилди.

Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Даби шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асари араб тилидаги нашрининг тақдироти бўлиб ўтди. Тақдирот дунёнинг 60дан зиёд давлатидан 800га яқин ноширлар иштирок этган XX Абу Даби китоб ярмаркаси доирасида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуночилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда аграр ва сув хўжалиги соҳасига доир миллий қонуночиликни тақомиллаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Пойтахтимизда Миср маданияти кунлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамгармаси, Миср Араб Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамда Миср маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлабки тергов ва суриштирув органлари томонидан жиноятлар ҳақидаги хабарлар ва аризаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонунининг Ички ишлар вазирлиги органлари томонидан ижро этилишининг аҳволи муҳокама қилинди.

Пойтахтимизда Фавкуллода вазиятлар вазирлиги томонидан "Сел, кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари" мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бельгиянинг Флавирия ҳудудида жойлашган Гент шаҳри маданий-маърифий маркази биносида Наврўз байрами ва Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тантанали кеча ўтказилди. Тадбир Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан Гент шаҳри маъмурияти ва Флавиандлар сайёҳлик уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори Х.Мухитдинов бошқарди.

# Тармоқ келишуви ва чорвачилик истикболлари

Хайъат кун тартибидagi "2009 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2009-2011 йилларга тuzилган Тармоқ келишувининг бажарилиши тўғрисида"ги масала селектор орқали кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев маъруза қилди. Маърузачининг таъкидлашича, соҳада Тармоқ келишуви, иккита Тариф келишуви, битта ягона Жамоа шартномаси ва 195та жамоа шартномаси тuzилган бўлиб, ходимларни жамоа шартномалари билан қамраб олиш даражаси 99,9 фоизни ташкил этди.

Жамоа шартномалари ва келишувларнинг 2009 йилда бажарилиши ҳисобига алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларининг

ўртача иш ҳақи 240,8 минг сўмни ташкил этди ёки бу 2008 йилга нисбатан 1,32 баробарга кўпайди. Шунингдек, ушбу кўрсаткич "Ўзбектелеком" АҚ бўйича 248,0 минг сўм, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бўйича 190,8 минг сўм, "Матбуот тарқатувчи" АҚ бўйича 180,8 минг сўмни ташкил этди. Жамоа шартномалари орқали иш ҳақининг кафолатланган қисми ҳам мунтазам оширилиб боришмоқда.

Ҳисобот даврида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитган 80 нафар ходимга навбатдаги ўқув сессияси олдидан ҳар бирига 168,7 минг сўмдан моддий ёрдам ва уларга қулай вақтда таълил берилди. Олий ўқув юртиларида таълим олаётган 147 нафар талаба учун шартнома пуллари тўлаб берилди. Икки ёшдан уч ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган 220 нафар аёлга ҳисобот даврида ўртача 289,8 минг сўм, кам таъминланган 575та оиллага 54,6 млн. сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йили ходимларни яқка тартибдаги ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош ва пойабзал билан таъминлашга, уларнинг иш жойларини меҳ-

натнинг хавф-хатарсиз қоидаларига ва меъёрларига мувофиқлаштиришга эътибор қаратилиб, бу борадаги тадбирларни амалга ошириш учун жами 1888,9 млн. сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, 3641 нафар ходим бахтсиз ҳодисалардан 57,0 млн. сўмга суғурта қилинди ва 1354 нафар ходим 8,6 млн. сўмга тиббий кўрикдан ўтказилди.

Маърузачи эришилган ижобий натижалар қаторида баъзи корхона, ташкилотлар ва филиалларда жамоа шартномалари ва келишувларига белгиланган айрим мажбуриятларни қисман бажармаслик ҳолатлари мавжудлигини ҳам айтиб ўтди. Жумладан, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Қорақалпоғистон Респуб-

ликализга четдан 500 бош насли қорамол олиб келиш топширилган эди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида "РРТМ" ДУК тасарруфидagi Зангиота туманида жойлашган 3-радиостанциянинг иккинчи ҳудудида "Алоқачи-чорва-наслчилик" ДШК ташкил қилиниб, 2-пех қорамолларни боқишга мослаштирилди. Мазкур корхонага наслчилик хўжалиги мақоми берилди. 2009 йилнинг август ойида "UZPROMMASHIMPEKS" давлат ташқи савдо компанияси билан лизинг шартномаси асосида нархи 165,0 минг АҚШ долларлик сутни қайта ишлаш мини пехи олиб келиниб, ишга туширилди. Корхона ривожлантириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар-

ни сотишни ташкиллаштириш учун таъдиси сифатида хусусий инвесторлар таклифи қилиниб, "Алоқачи-чорва-наслчилик" ДШКнинг мулк шакли масъулияти

## Жамоа шартномалари орқали иш ҳақининг кафолатланган қисми ҳам мунтазам оширилиб боришмоқда.

каси, Сурхондарё ва Самарқанд филиалларида иш ҳақининг ўз вақтида берилишида банкда нақд пул муаммоси туфайли кечикишлар бўлган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун Навоий, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятларда жамоа шартномаларида белгиланган миқдордан кам моддий ёрдам берилган. Жойларда 2009 йилда жамоа шартномаларининг бажарилишига бағишлаб ўтказилган йиғилишларда ушбу камчиликларни бартараф этиш зарурлиги иш берувчиларга етказилди.

Хайъат йиғилишида "Алоқа корхоналари қошида ташкил этилган чорвачилик корхоналари фаолияти ва уларни келгусида ривожлантириш истикболлари тўғрисида"ги масала юзасидан "Радиолоқа, радиоошиштириш ва телевидение маркази" ДУК бош директори Ш.Абидходжаев ҳамда "Ўзбектелеком" АҚ бош директорининг биринчи ўринбосари Ў.Тўхтаевлар ахборот беришди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 мартдаги 03-6-21-сонли йиғилиш баёни билан 2008 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига респуб-

чекланган жамият кўринишида қайта ташкил қилинди.

"Ўзбектелеком" АҚ томонидан ташкил қилинган "Телеком Наслчилик" шўба корхонаси томонидан жами 1017 бош ангор зотли эчкилар сотиб олинди. "Ўзбектелеком" АҚнинг 2008 йил 2 декабрдаги 01-16/5-4008-хати ва Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокимининг 42-қарори асосида "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалига қарашли фермер хўжалиги ташкил этилди ва унга Паркент туманидан 30 йил муддатга ижарага ер ажратилди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига "ТШТТ" филиали фермер хўжалигида 77 бош от, 450 бош она қўй, 78 бош қўй-қўзи, 48 бош ситир, 5 бош насли буқа, 128 бош икки ёшгача бўлган бузоқ, 18 бош гунажин боқилмоқда.

Умуман олганда, Агентлик тизимидagi корхоналар томонидан 2008-2009 йиллар давомида 300 бош насли қорамоллар олиб келинди, улардан 125 бош бузоқлар олинди. Ангор зотли эчкилар эса шу йилнинг феврал-апрел ойларида 800тага кўпайиши кутилмоқда.

Хайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Амалий машғулот

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва вилоятидаги касаба уюшмаси кўмитаси фаоллари учун сайёр йиғилиш ташкил қилинди.



Мазкур амалий машғулотлар Тошкент ахборот технологиялари университетининг Бўстонлиқ туманида жойлашган дам олиш уйида ўтказилди.

Унда 45 нафар касаба уюшма фаоллари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда машғулотларда қатнашишди. Улар ўз фаолиятлари давомида учрайдиган муаммоларни масалаларни ҳал қилиш, турли тадбирлар ўтказиш, меъёрий ҳужжатларни юритиш билан боғлиқ масалаларда зарур бўладиган кўникма ва билимга эга бўлишди. Шунингдек, фаоллар ҳамкасбларига ўз иш тажрибалари, корхоналарида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўзлаб беришди.

— Мазкур сайёр йиғилишни биринчи марта ўтказаямиз, — дейди Марказий кенгаш ташкилий бўлими мудир Юнус Годуров. — Бу каби йиғилишлар ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бундай сайёр машғулотларни бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам ўтказишни режалаштирганмиз.

Ўз мухбиримиз



## Раис қайта сайланди

“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали “Ўзбектелеком” АК тизимидаги энг катта ва юқори самарали алоқа корхоналаридан бири. Корхонанинг 2965 нафар ишчи-хизматчисини бирлаштирган касаба уюшмаси кўмитасига бир неча йиллардан бери Асқар Абдуллаев раислик қилмоқда.

Касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида 2004-2009 йиллар давомида кўмита томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берар экан, Асқар Абдуллаев, жумладан, қуйидагилар ҳақида гапирди:

— Филиал касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ҳар бир йил учун алоҳида иш режаси ва сарф-харажатлар сметаси тузилди. Ушбу режа ва сметалар кўмита мажлисида атрофлича ўрганиб чиқилиб, тегишли ўзгаришлар киритилди ва қарорлар қабул қилиниб, бажарилиши тўлиқ таъминланмоқда. Ҳисобот даврида касаба уюшмаси кўмитасига 263та ариза тушди ва 65 нафар ходим озгаки мурожаат қилди.

Иш берувчи билан маслаҳатлашган ҳолда ариза ва мурожаатчилар талаби қондирилди.

“Ўзбектелеком” АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан имзоланган ягона жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши йилда икки марта ўтказиладиган ҳисобот конференцияларида муҳокама этилиб, ҳато ва камчиликларнинг бажарилиши назоратта олинган.

Филиалимизда турли кўриктанловларни ўтказиш анъанага айланган. Соғломлаштириш ва дам олиш муассасаларига йўланмалар сўраб ёзилган аризалар ўз вақтида футбол майдончаси барпо этилди. Филиалимизда спорт ишларига эътибор кучайтирилиши оқибатида мини-футболчиларимиз қатор мусобақаларда голиб

чиқиб, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ҳамда “Ўзбектелеком” АКнинг кўчма кубокларини бир неча бор қўлга киритишди.

Филиалимизда ҳар ойнинг охири сешанба куни “Хуқуқий саводхонлик куни” деб эълон қилинган. Кўмитамиз аъзолари бундан кейин ҳам ишни ана шундай давом эттиришди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда филиал марказий боғламаси бошлиғи Ниғматилла Султонов, мазкур боғлама цех касаба уюшмаси кўмитаси раиси Гулнара Солиева, Янгиобод телефон боғламаси ходими Галина Нишонбоева, филиал директори Абдурашид Абдумўминов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабоевлар иштирок эттишди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Асқар Абдуллаев “ТШТТ” филиали касаба уюшмаси кўмитаси раислигига қайта сайланди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Ҳа, агар мендан ҳаётдаги энг зўр хузуур-ҳаловат нима, деб сўрасалар, албатта, вилоятимиз алоқачиларининг керакли ва яқин кишилари қаторидалигим, деб жавоб берган бўлардим. Бу нафақат менинг, балки барча касаба уюшмаларимиз таркибида беминнат хизмат қилиб келаётганлар ва шунингдек, фаолларимизнинг ҳам ҳаёт моҳиятига айланиб улгурган ҳақиқатдир. Айни шунинг учун ҳам меҳнаткашларнинг ҳақ-хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда қатор ютуқларга эришиб келмоқдамиз. Аммо бу ўз-ўзидан бўлаётган йўқ.

2009 йил — “Кишлоқ тараққийоти ва фаровонлиги йили Давлат дастури”ни амалга оширишда касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва ҳуқуқий ҳимояси масалаларидаги вазифаларимизни тўлақонли бажардик.

Ўтган йиллар мобайнида касаба уюшмаси аъзоларининг сонини сақлаб қолишга интилдик. Ҳозирда сафимизда 4962 нафар аъзо бўлиб, 4052 нафари ишлаётганлар, 917 нафари талабалар, 26 нафари ҳисобимизда турган фахрийларимиздир.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир аъзозимизнинг ҳаёти ва фаолияти бизни қизиқтиради. Ширимиз — у яхши ишласин ва шунга яраша яшасин. Бунинг заминида эса ҳар бир оилага фаровонлик олиб кириш ётади. Бинобарин, донишмандларимиз ҳам таъкидлаганларидек, бахтиёр яшашнинг биринчи шарты ҳам шу! Турган гапки, бу савоб ишлар аввало корхона ва ташкилотларда ишлаётган ҳам таъминланган оилаларга, ногиронларга, фахрийларга, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга кўрсатилаётган меҳроқибат юмушларимизда кўринади.

## Ҳаётимизнинг энг зўр хузуур-ҳаловати

Уларнинг 279 нафарига 2009 йил давомида 4 миллион 345 минг сўм, 69 нафарига касаба уюшмаси кўмитасидан 1 миллион 380 минг сўм, 210 нафарига ҳўжаликлар ҳисобидан 2 млн. 965 минг сўм миқдорига ёрдам берилди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш зарурки, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиали ҳамда “Ўзбектелеком” АК “Фаргона Телеком” филиали касаба уюшмаси кўмиталари бу бордаги турли ишларни тобора кўпайтиришмоқда. Ўз вақтида йиллик кучкуватини соҳани ривожлантиришга бахшида этган фахрийларга эътибор бир кун ҳам пасайтирилмапти. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига меҳр-муруват кўрсатиб, олқиш олишмоқда. Умумхалқ байрамларида, 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунинда уларнинг шарафига учрашувлар, турли маланий-маърифий тadbирлар ташкил этилиб, фахрийларнинг кўнгли обод қилинмоқда. Уруш иштирокчиларига эҳтиром, бу ота-оналаримизга, Ўзбекистонимиз келажакига эҳтиромдир. Шунинг учун ҳам бу бордаги эзгу ишларимизни янада кучайтириш — биз учун қарз, ҳам фарз.

Ўтган йили Агентлигимизнинг “Давлат гранти” асосида таълим олган ТАТУ Фаргона филиали битирувчиларини ишга тақсимлаш тўғрисида”ги буйруғига кўра уларнинг иш билан бандлигини ўргандик. 2008-2009 йилларда

ТАТУ Фаргона филиалини 192 нафар талаба тамомлаган. Шунингдек, 78 нафар бюджет асосида ўқиган. Ҳозирда барча ёш мутахассислар иш билан таъминланди ва уларнинг ойлик маошлари 30 фоизлик устама қўшиб тўланмоқда. Бу эса уларнинг ўз салоҳиятларини тўлақонли ишга солишлари учун туртки бўлмоқда. 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб номланиши ҳам зиммамизга катта масъулият юклайди.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, касаба уюшмаларимизда маънавият ва маърифат ҳамда спорт соғломлаштириш ишларини ташкил этиш йилдан-йилга яхшиланмоқда. Зотан, маънавият ва спорт ишлари тўғри йўлга қўйилган жойда ижтимоий-иқтисодий масалалардаги ишлар ҳам, табиийки, юришиб кетаверади. Бу фаолият, айниқса, қадриятларимиз қадр толиб бораётганидангина эмас, улар бойитилиб, янада сайқал топаётганида, умумхалқ байрамларимиз Наврўз ва Мустақиллик айёмлари, Алоқачилар касб байрами тантаналарида намоён бўлмоқда. “Маъбуот тарқатувчи”, “Фаргона Телеком”, Фаргона почта ташкилотларида бир нафардан ходимни тиббий суғурта полисига аъзо қилдик. “Соғлом она — соғлом оила” спартакиадасининг вилоят босқичи, Агентлик ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг футзал бўйича

кўчма соврини учун мусобақалар Аҳмад ал-Фароний дам олиш масканларида ўтказилиб, 215 нафар ишчи ходим иштирок этди. Ушбу мусобақаларга 5 миллион 700 минг сўм маблағ сарфланди. 210 нафар ишчи-ходим “Алоқачилар” санаторий-профилакторийсида, 389 нафар болалар ёш мавсумида оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, қадриятларимизни қадрлашга, маънавиятни юксалтириш ва алоқачилар ҳамда уларнинг оилалари соғлигини мустаҳкамлашга сарфланаётган маблағлар ўз самарасини бераётганидан фархлансак арзийди.

Хуллас, қўлга киритилаётган муваффақиятларимиз талайгина, бироқ ҳал этилишини кўтиб турган баъзи муаммолар масалалар ҳам йўқ эмас. Буларнинг ҳаммаси яқинда 39та цех касаба уюшмаси кўмиталари ҳисобот сайлов йиғилишларида қайд этилди ва келгусида амалга ошириш зарур бўлган масалалар ҳақида таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Келгусида фаолиятимизни юқоридagi таклифларни инobatта олган ҳолда олиб борамиз. Ниятимиз ҳар бир аъзозимизга наф келтириш, фаровонлик яратишдир.

Аҳмаджон УСМОНОВ,  
Фаргона вилояти алоқа  
ходимлари бирлашган  
касаба уюшмаси кўмитаси раиси

## Xalqaro hayot



### КЎНГИЛСИЗ РЕЙС

Австралиянинг Qantas авиакомпаниясига қарашли А-380 аэробуси Сидней аэропортига қўниш пайтида ёниб кетди.

Лондондан Сингапур орқали парвозни амалга ошираётган самолёт бортида 241 йўловчи бўлган. Уларнинг барчасини ўз вақтида эвакуация қилишга эришилди. Жабрланганлар йўқ.

Ҳодиса тафсилотлари ўрганилмоқда.

### ГАИТИГА МАДАД

Зилзиладан жабр кўрган Гаити тикланиш ишлари учун яқин ўн йил ичида 10 миллиард долларлик ёрдам олади. БМТ бош котиби Пан Ги Муннинг баёноти беришича, ёрдам маблағининг ярми тез орада Ғарбий яримшарнинг энг қашшоқ мамлакатига етказилади.

2010 йил 12 январ кунги ер силкиниши оқибатида Гаитида 230 минг киши ҳалок бўлган, 3 миллион киши жароҳатланган, 1 миллиондан ортиқ инсон бошпанасиз қолган. Ҳозиргача қилинган ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакат иқтисодиётига етказилган зарар 9 миллиард долларни ташкил этган.

### МЎҒУЛИСТОНГА ЁРДАМ БЕРИНГ!

Халқаро Қизил хоч ташкилоти жаҳон ҳамжамиятини бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитидан қаттиқ азият чеккан мўғулистонлик чорвадорларга молиявий ёрдам кўрсатишга чақирди.

Аҳолисининг деярли ярми чорвачилик билан кун кўрувчи бу мамлакатда қурғоқчилик кузатилган ёздан сўнг 50 даражадан паст ҳароратли қиш ҳукм сурди. Оқибатда миллионлаб бош қорамол нобуд бўлди, моли омон қолганларда эса ем-хашак захирасининг таги кўриниб қолган.

Метеорологларнинг хабар беришича, совуқ ҳаво яна бир неча ҳафтага чўзилиши кутиляпти.

### БРИТАНИЯДА КИШ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Табиат инжиқликлари тараққий этган мамлакатлар, хусусан, Буюк Британияни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шимолий Ирландияда 45-48 минг, Шотландияда 20 минг хонадон кучли қор ёғиши ва самолёт оқибатида электр қувватисиз қолган.

Шунингдек, йўлларда автоҳалокатлар сони ҳам кўпайган. Жанубий Ланаркшир (Шотландия)да мактаб автобуси ағдарилиб кетиши натижасида 17 яшар қиз ҳалок бўлган. Шимолий Ирландияда эса қор қоплами орасида қолиб кетган автомобиллардаги 300 киши эвакуация қилинган.

### ХИНДИСТОН АҲОЛИСИ ҚАНЧА?

Ҳиндистонда аҳолини рўйхатга олиш кенг кўламли дастурига киришилади. Ҳукумат 15 ёшдан катта барча фуқароларнинг суратлари ва бармоқ изларини олиш ҳамда миллий биометрик маълумотлар базасига асос солишни режалаштирган. Маълумотлар йиғиб бўлинганидан сўнг бир йил давомида мамлакат аҳолиси жинси, дини, фаолият йўналиши ва маълумотига кўра таснифланади. Кейинчалик мазкур маълумотлар асосида фуқароларга шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Ушбу тадбирларда қатнашувчи 2,5 миллион киши етти мингдан ортиқ шаҳар ва 600 мингдан зиёд қишлоқларда иш олиб боради. Улар, шунингдек, ичимлик суви, интернет ва бошқа коммунал хизматлардан фойдаланиш аҳоли борасида ҳам маълумот йиғишади.

Мамлакатда 1872 йилдан буён ҳар ўн йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказиб келинмоқда.

## INTERNET

### ЮГОСЛАВИЯ ДОМЕНИ ЁПИЛДИ

Собик Югославияга қарашли бўлган .yu домени 16 йиллик фаолиятдан сўнг ёпилди.

Бунга сабаб Сербия ва Черногория республикаларидан иборат Югославия Иттифоқининг 2003 йилдан буён мавжуд эмаслигидир. Ушунда мамлакат номи Сербия ва Черногория давлат иттифоқи дея ўзгартирилган, аммо 2006 йилда у ҳам тарқаб кетганди.

Шундан сўнг .yu домени Сербия мулкига айланди ва 2008 йил 29 февралига қадар рўйхатга олиш давом эттирилди. Фақат ўша йил март ойдан Сербиянинг янги миллий домени .rs га рўйхатга олиш бошланди.

Ҳозир .yu ҳудудида тўрт мингта ном мавжуд. Уларнинг эгалари .rsга ўтишлари учун Сербия рўйхатга олувчиси сайтида барча керакли маълумотлар жойлаштирилган.

### ТЕКИН ИНТЕРНЕТ

Ўртадан паст даромадга эга америкаликларнинг ярми кутубхона ва бошқа жамоатчилик муассасаларига фақат бир мақсадда – интернетдан бепул фойдаланиш учун боришади. Билл ва Мелинда Гейтсларнинг хайрия жамғармаси шундай хулосага келди.

Океанорги мамлакатда 14 ёшдан катта фуқароларнинг учдан бир қисми (77 миллион киши) 2009 йили интернетдан бепул фойдаланган.

Кутубхона интернетдан фойдаланувчиларнинг 40 фоизи интернет орқали ўзига иш қидирган бўлса, 35 фоизи тиббий хизматлари ҳақида маълумот олган.

## EKOLOGIYA

### GREENPEACE ДАТАЦЕНТРЛАРДАН НОРОЗИ

Халқаро нотижорий Greenpeace ташкилоти Microsoft, Yahoo, Apple ва Facebook каби компанияларга мурожаат билан чиқди. Мурожаатда улардан ўз маълумот марказлари (датацентрлар)да электр энергияси таъминоти тизимини тикланувчи манбалар асосида йўлга қўйиш сўралган. Greenpeaceнинг маълум қилишича, ҳозир аксарият датацентрлар асосан кўмир билан ишловчи электр станцияларидан қувват олади.

Экологларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2020 йилга бориб жаҳон бўйича датацентрлар сарфлаётган электр энергияси 1963 миллиард кВт/соатга етади. Бу ҳозир Франция, Германия, Канада ва Бразилия биргаликда сарфлаётган электр энергиясидан кўпдир.

### ҲАР ЕРДА БОР ТОШУ ТАРОЗИ

Шимолий Кореяда мобил алоқадан фойдаланишга рухсат этилганига унча кўп вақт бўлмаган бўлса-да, абонентлар сони 120 мингдан ошди.

Бироқ замонавий мулоқот воситасидан фойдаланишга ҳар қандай фуқаронинг ҳам қурби етмайди. Масалан, мобил телефон сотиб олиш ва уни ишга тушириш 1300 долларга тушади – бунча пулни топиш учун оддий корейс ишчиси емай-ичмай нақ 600 ой (50 йил!) тер тўкиши керак... Шунга қарамасдан, мамлакат аҳолисининг 0,5 фоизи ўз қўл телефонига эга.

## ALOQA OLAMIDA

### XAVFSIZLIK

### PANDALABS: 61 ФОИЗ ТАҲДИД — БАНК ТРОЯНЛАРИ

PandaLabs антивирус компаниясининг маълумот беришича, зарарли дастурий маҳсулотлар сони ўсишда давом этапти. Жорий йил биринчи чорагида энг хавfli таҳдид банкларга қаратилган троянлар бўлди – жами вирусларнинг 61 фоизи.

Компания вируслардан энг кўп зарар кўрган мамлакатлар номига ҳам аниқлик киритди. Испания олатдагидек яна биринчи ўринда (мамлакатдаги компютерларнинг 35 фоизи вируслардан зарарланган). Кейинги ўринларда АҚШ, Мексика ва Бразилия.

### IT-BIZNES

### ЙИРИК ХАРИД

Ҳиндистоннинг йирик уяли алоқа оператори Bharti Airtel Қувайтнинг Mobile Telecommunications Co компаниясига қарашли Zain оператори акциялари катта қисмини қўлга киритди. Zain Африкада фаолият кўрсатади. Келишув 10,7 миллиард АҚШ долларига баҳоланган.

Bharti Airtel шу йўл билан жаҳоннинг йирик ўн мобил алоқа оператори орасидаги мавқени мустақамлашга киришганини маълум қилган. Янги битим орқали унинг абонентлари сони 180 миллионга етди.

### ШВЕЦИЯ

### БИРИНЧИ ЎРИНДА

Бутунжаҳон иқтисодий форуми (БИФ) жаҳон мамлакатларида ахборот технологияларидан фойдаланиш самардорлиги бўйича йиллик тадқиқоти натижаларини маълум қилди: БИФнинг “тармоқ тайёргарлиги индекси” (Networked Readiness Index 2009-2010, NRI) рейтингда Швеция биринчи ўринни эгаллади.

Ўтган йили биринчи бўлган Дания бу сафар учинчи ўринга пастанда. Иккинчи ўринда эса Осиё вакили – Сингапур. Кейинги ўринларда Швейцария ва АҚШ жойлашган.

### MOBIL ALOQA

# Тараккиёт: ешлар ҳиссаси ошмоқда

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Юқориди тилга олинган вазифаларнинг сифатли бажарилишида филиал ҳамда шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларидаги ёш мутахассисларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Улар орасида Эминжон Умаров (Олтиариқ), Иқболжон Алиев (Кўқон), Қодиржон Қурбонвалар (Бувайда) бор.

Филиал ишлаб чиқариш ва техника бўлими интернет хизматлари мутахассиси Саидбек Ўринбоев ҳамда Фаргона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси мижозлар билан ҳисоб-китоб бўлими бошлиғи Дилшоджон Астоновлар ADSL технологияси асосида юқори тезликдаги интернет хизматларини тақдим этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, шартномалар тузиш, UzNETга улаш ишларини аниқлик ва пухталик билан олиб боришмоқда.

Айни кунда интернет мижозлари сони ортиб бормоқда, юридик шахслар 207тани, жисмоний шахслар 1037 нафарни ташкил этапти. Бу борадаги ишлар ўтган йилнинг феврал ойидан йўлга қўйилган бўлиб, 2009 йилда ушбу хизматлардан олинган даромад 196 млн. сўмдан зиёдни, бунда филиал улуши 157 млн. сўмдан ортиқни ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган икки ойида жами 52 млн. сўмликдан кўпроқ хизмат кўрсатилиб, филиал улуши 42 млн. сўмдан зиёдни ташкил қилди.

Ёш мутахассислар, айниқса, “DSLAM технологияси асосида юқори тезликдаги интернет хизматларини жорий этиш” лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этишяпти.

— Вилоятимиз шаҳар ва туман марказларига интернет портлари ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда, — дейди Саидбек Ўринбоев. — Бошқача айтганда, яна 3200 нафар мижозни интер-

нетга юқори тезликда улаш имконияти яратилди. Хизматлар сифати ва нархининг арзонлиги билан мижозларга маъқул келди, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, бу йигитлар эришган билим ва маҳорат аталмиш бойлик, нафақат ўзларининг, балки юртимизнинг туллаб-яшнашига, равнақ топишига хизмат қиляпти. Ҳар иккаласи ҳам соҳа сир-синаотларини ўргатаётган филиал ва телекоммуникациялар боғламаси раҳбарларидан, устозлари Элвира Отажоновна, Раҳмонберди Каримжонов, Жаҳонгир Турсунов, Расул Ҳожийўлдошевлардан чексиз миннатдор.

Уларнинг олий мақсадларидан бири ТАТУ — азиз ва муқаддас даргоҳ номини эзгу ишлари билан ардоқлашди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Хабар”нинг

Фаргона вилоятидаги мухбири



## LUFTHANSA: Тошкент – Мюнхен йўналишида

«Lufthansa» авиакомпанияси мазкур ҳафтадан эътиборан Тошкент – Мюнхен йўналиши бўйича парвозларни бошлади.

Германиянинг халқаро авиатранспорт тармоғига йўналган ушбу қатнов ҳафтасига уч марта амалга оширилади. Парвозлар Швейцариянинг “PrivatAir” авиакомпаниясига тегишли Боинг 737-800 русумли ҳаво кемаси ёрдамида бажарилади. Бу ҳаво кемасида «Lufthansa» мижозлари эътиборига 24та бизнес-класс ва 84та эконим-класс ўрни ҳавола этилади.

«Lufthansa»нинг Россия ва МДҲ бўйича минтақавий директори Роналд Шульцнинг таъкидлашича, компания ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича авиабозорда етакчилардан ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистонда кўрсатиладиган хизматларда замонавий усуллардан кенг қўлланилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, яқин икки-уч ой ичида махсус веб-сайт иш бошлайди ҳамда интернет орқали тури интерактив хизматлар кўрсатилади. Парвозлар вақтини кузатиб бориш, чипталарга буюртма бериш ва бошқа жараёнларни нафақат ушбу сайт, балки мобил телефон орқали ҳам амалга ошириш имкони яратилади.

Ўз мухбиримиз

## DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# СОВУҚҚОНЛИК

## ҳакли эътирозларга сабаб бўлади

**Юртимизда ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш, замонавийлаштириш, янги хизмат турларини кўпайтириш ва истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.**

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси ва вилоятлардаги бўлинмаларида “Ишонч телефони” хизмати ташкил этилган. Ўтган йиллар давомида Андижон вилояти Давлат алоқа инспекцияси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қанча ишларни амалга оширди. Жумладан, 2009 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда “Андижон Телеком” филиали, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиали ва “Матбуот тарқатувчи” МЧЖларда ҳамда тумандаги бўлимларда истеъмолчилардан тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва улар бўйича ҳисобот тузиш ишларини яхшилаш мақсадида иш юритувчи лавозимида иш олиб бораётган ходимлар иштирокида семинарлар ташкил этилди. Шунингдек, соҳада фаолият кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар

томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётганлиги юзасидан тушган 21та мурожаат кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Телефони ишламаётганлиги юзасидан 16та, пенсия пуллари ва матбуот нашри ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги бўйича тўртта, кабел телевидениеси томонидан сифатсиз хизмат кўрсатилаётганлиги юзасидан битта мурожаат тушган. Ушбу мурожаатлар таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

Телекоммуникация йўналиши бўйича телефони ишламаётганлиги юзасидан 16та мурожаат тушган бўлиб, шундан 10таси корхона айби билан бўлганлиги аниқланган. Буларнинг сабаби ўрганилганда, айрим мутахассислар ўз вазифаларига лоқайдлик билан қараётганлиги ҳамда баъзи жойларда кабелларнинг ўғирланиб кетилиши оқибатида келиб чиқаётганлиги маълум бўлди. Жумладан, фуқаролар М.Абдуллаева, Х.Эргашев, З.Йўлдошева, Д.Мирзоолимова, Б.Норхўжаев ва

Т.Юсуповларнинг марказий таъмирлаш бюроси ва мутасадди ходимларга телефон ишламаётганлиги тўғрисида қилган мурожаатлари ижобий ҳал этилмаган. Андижон вилояти ДАИ ходимлари томонидан қўрилган чоралар натижасида телефонлар ишлатиб берилди. Шикоятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди.

Почта йўналиши бўйича тушган тўртта мурожаатнинг учтаси пенсия пуллари ўз вақтида олинмаганлиги ва биттаси матбуот нашрлари почта ходимлари томонидан вақтида етказиб берилмаётганлиги

зорат қилмаганлиги учун алоқа бўлими бошлигининг иш ҳақига нисбатан 20 фоиз жарима солинди.

Андижон вилояти кабел телевидениеси “Радуга” студияси томонидан тарқатилаётган каналлар сифатсиз узатилаётганлиги ва истеъмолчиларга ходимлар томонидан қўпол муомала қилинаётганлиги юзасидан тушган ёзма ариза жойига чиқиб ўрғанилганда, аризада кўрсатиб ўтилган айбловлар тасдиқланди. Аниқланган камчиликлар бўйича кабел телевидениеси масъул ходимга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Юқоридегилардан кўриниб турибдики, истеъмолчилардан мурожаатларнинг келиб чиқишига асосий сабаб масъул ходимлар томонидан уларнинг мурожаатларига совуққонлик билан қаралаётганлигидир.

Корхоналарда ходимлар малакасини оширишда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни доимий равишда ўрганиб бориш юзасидан тегишли ўқув машғулоти ташкил этиб борилса ҳамда ходимлар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашганларида истеъмолчиларга сифатли ва замон талаби даражасида хизматлар кўрсатилишига эришган бўлар эдик.

А.МАМАСОБИРОВ,  
Андижон вилояти ДАИ бошлиғи

“

**Ўрганишларда телекоммуникация йўналиши бўйича телефони ишламаётганлиги юзасидан 16та мурожаат тушган бўлиб, шундан 10таси корхона айби билан бўлганлиги аниқланган.**

”

юзасидан бўлган. Фуқаро Т.Мамадалиевнинг пенсия пулини тўлиқ олмаганлиги юзасидан қилган мурожаати жойига чиқиб ўрганилганда, ҳақиқатан почтачи пенсия пулини кам берганлиги маълум бўлган. Ушбу почтачи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди ва талаб даражасида на-

## ИКТ в науке и образовании

26-27 марта 2010 года в Ташкентском университете информационных технологий проходила республиканская научная конференция аспирантов, магистрантов, исследователей и талантливых студентов на тему «Информационно-коммуникационные технологии в науке и образовании».

Конференция организована университетом совместно с Научно-техническим обществом радиотехники, электроники и связи Узбекистана. В ней рассматривалась более 400 докладов и презентаций в работе 4-х секций. Среди них были доклады, посвященные программированию, созданию баз данных, системам формирования знаний, дистанционному обучению, вопросам информационной безопасности, проектированию бизнес-планов в международном туризме, автоматизации управления линиями связи, научно-методическим основам самостоятельного образования в подготовке специалистов.

Также обсуждены вопросы систем мобильной связи, развития цифрового телевидения, выполнения виртуальных лабораторных работ в дистанционном образовании, маркетинга и менеджмента в сфере ИКТ, эффективного использования Интернета в процессе образования, формирования коммуникативных навыков у студентов, систем электронного документооборота, электронной коммерции, технологии организации электронных каталогов, электронных библиотек и другие.

Аси.uz

Научно-техническим обществом радиотехники, электроники и связи получены авторские свидетельства DGU 01890, DGU 01888 на виртуальные лабораторные стенды по исследованию работы кодов Риды-Соломона и кодов БЧХ (Боуза-Чоудхури-Хоквингема). Данные лабораторные работы посвящены исследованию недвоичных циклических кодов, позволяющих исправлять ошибки в блоках данных при передаче их по каналам связи с независимыми ошибками.

## Авторские свидетельства на лабораторные стенды

К виртуальным лабораторным стендам также разработаны методические описания работ, которые включают в себя краткие теоретические сведения по каждой работе, методику выполнения лабораторной работы, контрольные примеры, дополнительные задания и контрольные вопросы.

Применение помехоустойчивого кодирования является высокоэффективным средством борьбы с помехами в цифровых системах связи и основано на введении искусственной избыточности в передаваемое сообщение за счет добавления к информативным кодовым словам ряда проверочных символов. В последнее время коды, обнаруживающие и исправляющие ошибки при передаче цифровой инфор-

мации в зашумленных каналах, нашли широкое применение во многих системах передачи и хранения информации.

Циклические коды относятся к классу линейных блочных кодов и являются наиболее распространенными. В классе циклических кодов наиболее важен подкласс так называемых кодов БЧХ. Эти коды могут быть построены для широких диапазонов длины блока, кодовой скорости и исправляющей способности.

Теоретически коды БЧХ могут исправлять произвольное количество ошибок, но при этом существенно увеличивается длительность кодовой комбинации, что приводит к уменьшению скорости передачи данных и усложнению приемо-передающей аппаратуры

(схем кодеров и декодеров).

Коды Риды-Соломона относятся к классу недвоичных кодов БЧХ. Основная идея помехозащитного кодирования Риды-Соломона заключается в умножении информационного слова, представленного в виде полинома  $D$ , на неприводимый полином  $G$ , известный обоим сторонам, в результате чего получается кодовое слово  $C$ , опять-таки представленное в виде полинома.

Декодирование осуществляется с точностью до наоборот: если при делении кодового слова  $C$  на полином  $G$  декодер внезапно получает остаток, то он может рпортовать наверх об ошибке. Соответственно, если кодовое слово разделилось нацело, его передача завершилась успешно.

Наш корр.



## “ALOQABANK” получил новые рейтинги от “Ahbor-reyting”

Рейтинговое агентство “Ahbor-Reyting” подтверждает Открытому Акционерно-Коммерческому “Aloqabank” кредитный рейтинг по национальной шкале “uzB++” и одновременно повышает прогноз по рейтингу до уровня “Позитивный” по результатам мониторинга за IV квартал 2009 года.

Рейтинг ОАК “Aloqabank” отражает стабильную и традиционную клиентскую базу банка, положительные финансовые результаты деятельности, а также заметное повышение уровня капитализации банка. Рейтинг также учитывает риски, связанные с быстрым ростом активов, некоторую концентрацию бизнеса в столичном регионе и сохраняющиеся значительные позиции в кредитовании и базе фондирования. “Позитивный” прогноз по рейтингу ОАК “Aloqabank” обусловлен ожиданием РА “Ahbor-Reyting” по дальнейшему улучшению финансовых результатов деятельности банка, по поддержанию хорошего качества активов банка, дальнейшей диверсификации бизнеса и базы фондирования, а также по повышению рыночных позиций банка на рынке. По мнению РА “Ahbor-Reyting” в ближайшей перспективе, при сохранении текущих параметров улучшения финансовых результатов, рейтинг ОАК “Aloqabank” может быть повышен. Об этом сообщается на сайте отечественного рейтингового агентства.

В течение рассматриваемого периода наблюдался рост акционерного капитала на 35,45% и нераспределенной прибыли на 36,02%. Капитализация ОАК “Aloqabank”, по итогам IV квартала 2009 года, показала положительную динамику улучшения. Так, в рассматриваемом периоде собственный капитал банка увеличился на 37,31% и в итоге составил 46,3 млрд. сумов (по итогам 2008г.: — 33,7 млрд. сумов).

### Основные показатели деятельности ОАК “Aloqabank”:

	2009 г.	2008 г.
Активы, чистые, млн. сум.	243 238	200 679
Собственный капитал, млн. сум.	46 289	33 712
Кредитный портфель (нетто), млн. сум.	150 231	90 794
Депозиты клиентов, млн. сум.	137 570	121 475
Коэффициент достаточности капитала, %	25,40	19,80
Коэффициент достаточности капитала I уровня, %	24,10	18,00
Коэффициент левереджа, %	16,90	14,70
Кредиты/Депозиты и привлечение на денежных рынках, %	88,78	61,73
Затраты/Доходы, %	71,71	65,45
Затраты/Средние активы	6,06	6,23

## Bank of America развернет самую большую в мире сеть Cisco TelePresence

Bank of America и Cisco объявили о соглашении, предусматривающем развертывание самой большой в мире сети Cisco TelePresence. На начальном этапе до конца текущего года в международной сети банка будут установлены 200 систем Cisco TelePresence, использующих видео высокого разрешения и высококачественные аудиотехнологии, создающие полное впечатление личного присутствия на виртуальной встрече. При этом изображение людей, сидящих за виртуальным столом, передается в натуральную величину, и все участники конференции чувствуют себя так, будто находятся в одной комнате.

## Samsung увеличит выручку от продажи цифровых камер

Samsung Electronics планирует усилить собственное направление цифровых камер. К 2012 году годовая выручка в этом подразделении должна составить около 5 трлн. корейских вон или около 3,88 млрд. долларов США. В Samsung говорят, что до конца 2011 года компания консолидирует все свои подразделения, занимающиеся выпуском камер, в единый бизнес, чтобы усилить международное направление.

## Ericsson заключил в Индии контракт на 1,3 млрд. долларов

Ericsson AB сообщил о заключении крупного контракта на поставку телекоммуникационного оборудования в Индию. Контракт стоимостью в 1,3 млрд. долларов заключен с крупнейшим индийским оператором Bharti Airtel. При помощи нового оборудования компания намерена расширить собственное сотовое покрытие, а также обновить ряд уже используемых в Индии станций.

Большая часть новых станций, согласно условиям контракта, будет установлена в сельских регионах Индии, где коэффициент проникновения сотовой связи еще достаточно мал, а потенциал развития — велик.

# Хабарлар +tv

**UZBEKISTON**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Одам ва одам» дастури: «Экспедиция»  
7.50 «Тонги навадари»  
8.00 «Ғафликнома»  
8.45 - 9.45 «Мазъанаят» дастури.  
«Болалар сайраси»:  
9.45 «Болалар дунёси»  
10.15 «Мехрибон тулки», М/ф.  
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»  
11.00 «Аюборот»  
11.15 «Бойнаҳа», Б/ф.  
11.50 «Кўлкал шугуба»  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.50 «Аёл бахти»  
13.00 «Ватан мавзиллари»  
13.10 «Болалар сайраси»:  
13.35 «Филлипер ва Лопак», М/ф.  
14.00 «Аюборот»  
14.20 «Ватинарвар»  
15.00 «Икким»  
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиботлари»  
16.00 «Ташаббус - 2010»  
17.00 «Аюборот»  
17.15 «Тарих кутубси»  
«Болалар сайраси»:  
17.35 «Эртақлар - шохлиққа етаклар»  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз»  
18.00 «Икким»  
18.05 «Олтин мерос»  
18.15 Миллий сериал: «Такдир йўллари»  
18.50 «Менанг оилам»  
19.15 «Ифтихор»  
19.20 «ТБ - шифораз»  
19.25, 20.00, 20.55 Ёшларлар.  
19.30 «Аюборот», рус/  
20.10 Миллий сериал: «Умиднинг сўзлари»  
— Неъматилла Абдулаевич, инсон қанчалар бой-бадавлат бўлса-да, маънавияти юқори бўлмас экан, ундайлардан элга наф тегиши қийин. Шундай эмасми?

— Маънавиятни миллат бошидаги қўшига менгазим келади. Дарҳақиқат, маънавият — бу инсонийлик, у миллат келажяги ва гуруридир. Инсон қанчалар маънавий жиҳатдан юксалиб борар экан, у Ватанини, халқини бошқалардан кўпроқ севади. Эл фаровонлиги, юрт ривож учун ҳисса қўшиш унинг асосий мақсадига айланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ёшларга бериладиган маънавий-маърифий тарбияга жиддий эътибор бу келажягимизга бўлган эътибордир. Зеро, бугунги кунда юртимизда баркамол авлоднинг тарбиялаб вояга етказиш масаласи ўта долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилган экан, бунда фарзандларимизнинг наинки жисмоний, шу билан бирга, ахлоқий ва маънавий баркамол бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланаётганини унутмаслигимиз зарур. Чунки қалб кўзи очик, маънавий томондан

бақувват одамгина жамият талабларига онгли муносабатда бўла олади, бугун биз интилайтган буюк келажякни барпо этишга, дунё майдонида бошқалар билан барча соҳаларда мусобақага киришишга қодир бўлади.

— Юртимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

— Албатта, ёшлар — миллат ишончи, юрт эртаси, келажяк эгалари. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлоднинг тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Истиқлолнинг дастлабки кунидан ёшлар масаласига жиддий эътибор қаратилди ва бу эътибор йилдан-йилга янада кучайтириб борилаётган. Зеро, ёшлар — улкан куч. Истиқлол йилларида бу кучнинг униб-ўсиши, таълим-тарбияси, маънавий камол топиши, жисмоний соғлом вояга етиши учун жуда кўп ишлар амалга оширилди. “Таълим тўғрисида”ги қонун, кадрлар тайёрлаш ҳамда Соғлом авлод Давлат дастурларида таълим-тарбияни юксак даражага етказиш йўл-йўриқлари аниқ ифодалаб берилди. Уч босқичли таълим тизими (мактаб — коллеж ва лицей — олий ўқув юрлари), яна уч босқичли спорт мусобақалари (“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”) йўлга қўйилди. Ёшларни бирлаштирадиган, уларни кўзлаган мақсадларига руҳлантириб туришда ҳимоя ва мадад бўладиган “Соғлом авлод учун” жамғармаси каби ташкилотлар тузилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти ҳам доимий ва узлуксиз тарзда ёшларнинг билим олишлари йўлида ҳамма шарт-шароитни яратиб келмоқда. Кенг, ёруғ, таъмирдан чиқарилган аудиториялар, замонавий жиҳозланган компютер синфлари, электрон кутубхоналар, барча талабга жавоб берадиган тураржойлар талабалар ихтиёрида. Биргина ўтган йили Амир



Н.МўМИНОВ ўқитувчилар билан суҳбатда

Темур кўчаси 117-уйда жойлашган талабалар тураржойидаги таъмирлаш ишларига 170 млн. сўм, Боғишамол кўчаси 12-уйдаги талабалар тураржойини таъмирлаш ишларига 130 млн. сўм, Самарқанд филиали ўқув биноларини таъмирлашга 70 млн. сўм, Қарши филиали ўқув биносини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига 500 млн. сўм, Нукус филиалидаги талабалар тураржойи таъмирланишига 120 млн. сўм, Фарғона филиали янги ўқув биносини қуриш ва янги спорт мажмуасини бунёд этишга 1 млрд. 300 млн. сўм сарфлангани фикримиз далилидир.

— Ёшлар улкан гамхўрликни, зиммаларидаги вазифа ва масъулиятни ҳис этияптиларми?

— Ёшларимиз ҳар томонлама баркамол, зукко, доно бўлишга интилиб, Ватанимиз истиқболи йўлида бор куч-ғайратларини сарфляпти. Улар нафақат илму фан соҳасида, балки санъат, спорт, умуман, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳам фаол иштирок этиб, унинг ривожланишига улкан ҳисса қўшмоқдалар.

Университетимизда иқтидорли талабалар билан алоҳида шуғулланиш учун махсус бўлим ташкил этилган. Бўлим ходимлари иқтидорли талабаларни илмий ва касбий қизиқишларини эътиборга олган ҳолда аниқлаш, улар фаолиятини талабалар илмий жамияти фаолияти билан ҳамкорликда олиб боришни ташкил этиш, кафедралар билан ҳамкорликда танлаб олинган талабаларнинг интелектуал салоҳиятини даврий равишда аниқлаб бориш, аниқланган иқтидор эгаларини университет кафедраларида ва марказий илмий текшириш лабораторияси шохобчаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришларини таъминлаш ва назорат қилиш, республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий анжуманлар, фан олимпиадалари, семинар ҳамда танловларда улар иштирокини таъ-

минлаш каби ишлар билан шуғулланмоқдалар.

— Бугунги талаба эртага алоқа соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган ёш мутахассис эканлигини ҳисобга олган ҳолда университет маънавият ва маърифат кенгаши томонидан қандай ишлар қилиняпти?

— 2008 йил — Ёшлар йили муносабати билан Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан “Бугунги кун ёш мутахассисининг кодекси” ишлаб чиқилган эди. Айни пайтда талабаларни мутахассисликка тайёрлашда ана шу кодекс муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бўлгуси алоқачиларимиз мазкур кодексда алоҳида-алоҳида қайд этилган тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда ўқиб-ўрганмоқдалар. Яна шунга таъкидлаш истар эдимки, “Баркамол авлод йили Давлат дастури”нинг ТАТУга тегишли бандларида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг ҳаракат дастурини ишлаб чиққанмиз. Унга кўра, Баркамол авлод йили ТАТУ Самарқанд филиали учун янги бино қуриш, етишмаётган янги ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий мажмуаларини яратиш, давлат гранти асосида ёшлар иштирокида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, “Энг яхши олий таълим муассасаси веб-сайти” танловига иштирок этиш, спорт грантлари дастурларини амалга ошириш, “Ёш футболчиларни қўллаб-қувватлаш дастури” доирасида мастер-класслар ташкил этиш, спортчи-талабаларни керакли спорт жиҳозлари ва кийимлари билан таъминлаш каби ўнлаб муҳим ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Зеро, юрт учун қайғурадиган, эл манфаатини ўйлаб фаолият юритадиган, маънавиятли мутахассисларни тайёрлаш бизнинг олий мақсадимиз ва муҳим вазифамиздир.

Муборак МИРКАМОЛОВА  
суҳбатлашди



Маънавият ҳоняси доимо тавдҷум



## Боғ яратилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 15 февралдаги йиғилишида республика аҳолисини йил давомида арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги топшириқни адо этиш мақсадида 2010 йилда сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун “Самарқанд Телеком” филиалида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Булунгур туманидан 5 гектар ер олинаб, 1000 тупга яқин шафтоли, 350 туп олма, 350 туп ўрик кўчатлари экилди ва парваришlash бошлаб юборилди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида корхона атрофини ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. Хусусан, 80дан зиёд дарахлар оқланди, 300 метрга яқин лоток ариқ тозаланди. Бундан ташқари, корхонанинг ташқи кўринишини қайта таъмирлаш ишлари давом эттирилди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
“Хабар”нинг

Самарқанд вилоятдаги мухбири

**Иккинчи жаҳон уруши бошланганида йигирмадан ошиб, биламиз кучга тўлиб бораётган ёшда эдим. Урушнинг барча даҳшатларини ўз кўзим билан кўрдим.**

Шунга ҳам олтмиш беш йил бўлибди. Ҳар йилгидек бу йил ҳам биз уруш фахрийлари ва ногиронларига юксак эҳтиром кўрсатилиб, республикамиз Президентининг “Иккинчи жаҳон урушидаги галабанинг 65 йиллиги нишонлини муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Ушбу фармонни ўқиб, беихтиёр қалбим тўлқинланди. Зеро, эл эъзозига, Президент эътиборига муносиб бўлиш ҳар қандай инсонни ҳам мамнун этиши, табиий.

## Ибрат

Биз, кексалар фарзандларимиз эришяётган улкан ютуқлар, республикамизнинг халқаро миқёсда эришяётган обрў-эътибори, юрт ободлиги, эл фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни кўриб, кўнглимиз ёришмоқда. Айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар дилимни ёрилади. Негаки, ўзим ҳам алоқачиман. Узоқ йиллар “ТШТТ” филиали ер ости иншоотлари участкасида электромонтёр бўлиб ишлаганман. Бугунги кунда менинг шогирдларим, касбдошларим биз бошлаган ишларни давом эттириб, пойтахт аҳолисига сифатли алоқа хизмати кўрсатаётганидан мамнунман. Филиал раҳбарияти биз

фахрийларга ҳамisha эҳтиром кўрсатиб, байрам дастурхонига, турли тадбирларга таклиф этишади. Моддий ва маънавий кўмак беришади.

Биз, уруш фахрийларига ҳам мамлакат миқёсида, ҳам қадрдон корхонамиз томонидан кўрсатилаётган ҳурмату эъзоз замирида ҳам ибрат ётибди, аслида. Зеро, Ватанга муҳаббат, кекса авлод вакиллари анъаналарига садоқатни ўрганишяпти ёшларимиз. “Қуш уясида қўрганини қиладди”, деганларидек улар эртага бугунги анъанани давом эттиришади. Кексаларга ҳурмат қарор топан юрт эса ривожланиш сари бораверади.

Михаил ГУЛИН,  
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.  
Тошкент шаҳри

# Эҳтиромга муносиб

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

**Мамлакатимиздаги алоқа соҳаси фахрийларидан бири Олимжон Эшонов кўтлуг етмиш ёшга тўлди. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри ва қўшни мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюришди. Улар Сурхондарё вилояти алоқа ташкилотига кўп йил раҳбарлик қилган, ҳалол меҳнати, издошликка муносиб шогирдларга бўлган бекиёс меҳр-муҳаббати ҳақида тўлқинланиб сўзлашди.**

Мухтарам муштарийлар, қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган лавҳалар билан танишсангиз, сидқидилдан билдирилган эҳтиромлар бежиз эмаслигига, айонч ҳосил қиласиз.

### БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Халқимиз орзуси асрлар оша ушалди. Она диёримизда истиқлол қўёши заррин нурларини сочмоқда. Бу дорилмон кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Олимжон ака “бу кунларга етганлар” қаторида турганлигидан беҳад мамнун. У мустақилликнинг нақадар улугъ неъматлигини энг аввало сеvimли соҳасидаги туб ўзгаришларда кўрди. Не ажабки, бугун алоқа воситалари бутун оламни бир қадам қилиб қўйди.

Тажрибали мутахассис ўзини шунчалик омадли деб ўйлайдики, соҳанинг шундай замонавийлашган даражасида хайрли ишдан четда турмади. Сир эмас, хорижликлар билан бошланган ҳамкорлик ҳаракатларининг ташаббускорларидан бирига айланди, у. Эндиликда эса телекоммуникация хизматлари бозори тобора чуқурлашиб бораётганлигини, қолаверса, унинг шартли равишда иккинчи даражали иқтисодиётга айланаётганлигини кўриб-билиб турибди. Бу бозорда сотувчи ва харидорнинг ўзига ҳос ўрни бор. Сирасини айтганда ахборот, компютер ва бошқа телекоммуникация техникаларининг биргаликдаги тўплами ёрдамида маълумотларни масофадан узатиш ва қабул қилиб олиш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатлар шаклланиб бормоқда.

Олимжон аканинг фикрича, бугун мутахассислик салоҳиятининг ўзи кифоя эмас. Балки ҳар бир ходим иқтисодиёт тамойилларини ҳам беш қўлдай билиши шарт. Шу жиҳатдан алоқа соҳасида иш юритиш аввалгиларга ўхшамайди.

Не бахтки, Олимжон Эшонов дорилмон кунлар ҳаққи, нафақат сеvimли соҳаси юксалишларига гувоҳ, балки шахсий ҳаётининг бебаҳо имкониятларига ҳам эга бўлди. Турмуш ўртоғи Инобат опа билан муборак ҳаж амалларини ҳам бажариб қайтди. Шу боис умрнинг ўтган ҳар лаҳзасидан кўнгли тўқ. Энг муҳими, алоқа соҳасида самарали хизмат қилди. “Сурхондарё Телеком” филиали жамоаси ва кўп сонли шогирдлари ундан беҳад хурсанд.

Термиз шаҳридаги “Гулистон” маҳалласида истиқомат қиладиган Эшоновлар хонадони тез-тез неварачеваралар билан тўлиб туради. Шар, копток ва даста гул кўтарган болаларнинг бурро тилда “Бобожон” дейиши Олимжон акага нақадар хуш ёқди.

### АЛЛА АЙТГАН АЁЛ

Инсон дунёга бир марта келади. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин жуфти ҳалолога ёлчиса армонсиз яшайди. Кунлар хушчақчақ ўтиб, уйда ҳам, ишда ҳам ҳаловат топади. Ана шунда улар узук кўзидай ярашиб туришади.

Олимжон аканинг бу борода ошиғи олчи! Инобат опа унга муносиб йўлдош. Иккаласи ярим асрдан буюн ширин турмуш кечириб келмоқда.

Инобат опа етти болага алла айтган аёл. Онанинг тунни тонга

улаган дамлари кўп бўлган. Шундай паллаларда у сабр-бардош ва шукроналик “қоя”сига таянган. Инобат опа асло турмуш ўртоғига тик боқмаган, аксинча иссиқ чой, ширин сўз билан чарчоғини ёзган. Ваҳоланки, у фақат уй бекаси эмас эди. Алоқа соҳасида ишлаб, турмушда Олимжон акага қўшқанот бўларди. Боз устига қайнотаси ва қайнонаси ҳам келиннинг меҳр булогидан баҳраманд бўлишарди.

“Оиладаги тинч-тотувлик кўпроқ аёлга боғлиқ. Катта жамоага раҳбар бўлган чоғларимда ишдан баъзан қайфиятсиз қайтганман. Ўшанда Инобатхон аянғиз табассум билан “яхши келдингизми?” деб кутиб олган. Натижада кўнглидаги хираликдан асар ҳам қолмасди. Биз бирор марта “сен-у менга бормаганмиз” Олимжон Эшоновнинг бу фалсафасида на китобийлик, на замонасозлик нафаси бор. Зеро, у қалбдан қуйланаётган қўшиқ холос!?”

Яратганининг ўзи уларни турмушда кам қилмади. Қизлари ва ўғли Алишер ота касбига меҳр қўйди. Алоқачилар сулоласи вужудга келган бир пайтда соҳа фахрийлари — Олимжон Эшонов ва Инобат Камоловаларнинг қувончи бир олам!

### “МУНОЖОТ” СЕХРИ

Олимжон Эшонов билан суҳбатлашиб турган эдик, радиодан таниш куй янграй бошлади. Бир-биримизга маъноли боққан ҳолда “Муножот”ни берилиб тингладик. Сир эмас, у иккимизни ҳам мисоли сеҳрлаб қўйган эди.

— Ҳар гал куй таъсирини берилганимда ажлолларимиз ҳаёти кўз ўнгимда гавдалангандай бўлади.

— Раҳмат сизга. Мен ҳам ҳозир Самарқанд сари отланган Навоий бобомизни худди Амударёнинг Булдугай кечувида кўргандай бўлдим.

— Бал-е, тасаввурингизни чишига бир расом кам бўлди-да! Хушдил гурунгимиз ўз-ўзидан мутафаккир шoirни эслашга боғланди. Қай кўз билан кўрайки, қаршимда алоқа техника соҳасининг билимдонигина эмас, балки адабиёти-

мизнинг зукко ихлосманди турарди. Ҳайратим бежиз эмас эди. Баъзи раҳбарлар маънавият ва маърифат курғони “эшиги”ни тақиллатмасдан ўтмоқда ва фақат ишлаб чиқаришдан, фоизлардан сўзлашни хуш кўради. Олимжон ака эса айна чоғда мумтоз адабиётимиз намоёндалари боғига чорлаб турарди.

Суҳбатдошим, дабдурустан Бехлудбек ким бўлган?, деб қолди. Мен эса унинг Навоийга содиқ мулозим бўлганини айтдим. У маъкул кўрди шекилли, беихтиёр бош чайқаб, Ободонбегим ҳақида сўзлай кетди. Бу аёлни тарихий инсон сифатида билмаганим учун баҳса аралаша олмадим.

Ўз-ўзидан Олимжон аканинг китобга бунчалик меҳр қўйгани сабаби билан қизиқдим.

— Сизга айтсам, бу фазилат отабобомдан мерос бўлиб қолган. Уларнинг шахсий кутубхонасида олти юздан ортиқ китоб бор эди. Аммо бу бойликни бугунгача сақлаб қолиш осон кечмаган.

Олимжон Эшонов шу тарзда ортда қолган ташвишли кунлардан сўйлай бошлади. Отаси Саидхўжа васиятини бажариш учун кўп азоб-уқубатларни кўрган. Аммо мақсадига етган. Бобохўжа Эшон (Олимжон аканинг бобоси) йиққан китоблар буюк ажлоллар қолдирган бебаҳо маданий мерос эди.

Алоқа соҳаси фахрийси Олимжон Эшоновнинг мумтоз куй — “Муножот”ни тинглаганда ўтмиши ва ўтмишдошларини эслаши бежиз эмаслиги балки шундандир. Қолаверса, у ҳамкасбларининг нафақат ишига, балки кўнглига ҳам ўзини яқин олганлиги раҳбарлик маънавияти соғломлигидан бўлса ажаб эмас. Олимжон ака етмиш баҳорини кўрган бўлса ҳам, илм излашда давом этмоқда. Маънавий оламни бойитиб боришидаги бу бебаҳо тажриба кўпчиликка ўрнак. Шу боис унинг ҳаёти ҳар қанча ҳурмат-эҳтиромга лойиқдир.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
“Хабар”нинг Сурхондарё вилоятдаги мухбири

# Энг яхши АРМ

**Марғилон шаҳридаги академик лицей ахборот-ресурс маркази шаҳардаги намунали маърифат даргоҳларидан ҳисобланади. Президентимизнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни ушбу маънавий ўчоғининг иш фаолиятини такомиллаштиришда муҳим дастурлама бўлиб хизмат қилаётир.**

Бугунги кунда ушбу марказда хизмат кўрсатиш намунали ташкил этилганлиги боис, китобхоналар сони ортиб бормоқда. Марказ хизматидан яқин атрофдаги “Ипакчи”, “Тошкесар”, “Йўрмадўз” маҳаллалари аҳолиси, қўшни 6-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам фойдаланишмоқда.

Ахборот-ресурс марказига олий маълумотли кутубхонашунос-библиограф Санобар Абдуллаева раҳбарлик қилмоқда. Марказнинг Маглуба Тожибова, Арофат Обидова, Соҳиба Шоҳўжаева, Шоҳина Рोजиева каби ходимлари аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар, хорижий филология йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларга беминнат хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирда АРМнинг умумий китоб жамғармаси 20331 нусха бўлиб, шундан дарслик ва ўқув қўлланмалари 3180та, бадиий адабиётлар 7975та, ижтимо-

ий-сиёсий адабиётлар 4207та, услубий қўлланмалар 244та, 92 нусха электрон дарсликларни ташкил этади.

Юсуфжон Хўжаев, Давлатхон Маламинова, Гулмирахон Носирова, Фотимахон Ғофурова каби ўқитувчилар, Нодира Курбонова, Рустам Сулаймонов, Улугбек Умирозоқов, Ойбек Жалилов, Дилдора Ахророва сингари ўнлаб ўқувчилар марказнинг фаол китобхонлари ҳисобланади. Юқоридан номлари зикр этилган ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ҳар бири бу ерда ўтказиладиган тадбирда ташаббускор бўлишмоқда.

Марказда янги ташкил этилган Ёш ижодкорлар клуби аъзолари Хислатбек Холбеков, Сарвиноз Ғиёсова, Рўзихон Алиевалар фаоллиги бошқаларга ибрат бўларлиди. Марказга келувчи китобхонлар учун барча шарт-шароит яратилган. Кенг, ёруғ, шинам 50 кишилик ўқув зали китобхонлар хиз-

матида. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида ҳар хил мавзуларда тадбирлар доимий ўтказилиб келинади.

Бу ерда турли мавзуларда, жумладан, “2010 – Баркамол авлод йили”, “Президентимиз китоблари”, “Огоҳлик давр талаби”, “Педагогик таълим ислохотлари”, “Ўзбек адабиёти дурдоналари”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Қонун ҳаётимиз мезони”, “Ассалом Навоий” номли ўнлаб китоб кўргазмалари ва бурчаклари ташкил этилган. Шунингдек, шоир Тўлан Низом таваллудининг 70 йиллигига бағишланган учрашув кечаси ўтказилди.

АРМ ходимлари ўқитувчилар, фаол китобхонлар ҳамкорлигида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида 2010 йил учун даврий нашрларга обунани намунали ўтказишди. Марказнинг ўқув залида марказий вилоят, шаҳар газеталарининг 30га яқин номдаги нусхаси билан танишиш мумкин.

АРМ ўтган йили Марғилон шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўртасида ўтказилган “Энг яхши ахборот-ресурс маркази” кўрик-танловидида фаол иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

**“Билайн” ягона алоқа оператори Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудларига хизмат кўрсатувчи Жанубий худудий филиал (ЖХФ)нинг уч йиллик фаолияти яқунларини чиқарди.**

## Филиал 3 ёшда

Фаолият яқунларини изоҳлар экан, “Юнител” бош директори вазифасини бажарувчи Андрей Анисимов шундай таъкидлади: “ЖХФ – бу нафақат тўрт миллиондан зиёд аҳоли, балки филиал ишга тушгандан сўнг тармоқ икки баравар кенгайган улкан худуд ҳамдир. Фақатгина ўтган йилнинг ўзиде бир неча туманларда радиоқамровни яхшилаб, Денов, Косон, Китоб, Шўрчи ва Яққабоб каби шаҳарларни қамраб олдик. Бундан ташқари, маълумотларни узатиш хизматининг кенг қўламада яхшиланиши бугун бутун минтақада EDGE стандартидаги мотидадан фойдаланиш имконини беради”.

## Билайн™ “Юнител”

нинг Жанубий филиал директори Улуғбек Аҳмедов: “Уч йиллик фаолият давомида ЖХФ бозорига бир қатор таклиф ва қўшимча хизматлар киритиб, филиалнинг абонент базасини қарийб етти баробарга оширдик. Минтақа учун сўнгги муҳим воқеа бу ердаги мижозларимиз алоқа учун харажатларни кўпайтирмаган ҳолда кўпроқ мулоқотда бўлиш имконини берувчи “Алло” тарифининг ишга туширилгани бўлди. Ҳозир Жанубда бизнинг юқори даражадаги анъанавий хизматимизни амалга оширувчи қарийб 450та савдо нуқтаси ва “Билайн”нинг қарийб 40та эксклюзив салони фаолият кўрсатмоқда”.

Ўтган йили “Билайн Бизнес”нинг ишга туширилиши Ўзбекистон жанубидаги саноат-аграр бозорида корпоратив савдонинг ривожланишига туртки бўлди ва бирлашган тизимнинг позициясини мустаҳкамлади. Бугунги кунда Қашқадарё ва Сурхондарёнинг йирик ташкилотлари – “Сурхонтекс” ҚК, Тўлимаржон ИЕС, Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш заводи, Қарши нефть базаси ва бошқа корхоналарда фаолият кўрсатувчи минглаб абонентлар “Билайн”нинг мобил ва қўзғалмас алоқасидан, шунингдек, кенг полосали интернет хизматидан фойдаланмоқдалар.

### SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

#### Компютеримни алмаштирмоқчиман

— Яқинда компьютер сотиб олгандим. Бир ой ўтмасдан компьютерим бузилаб қолди. Уни бошқасига алмаштиришим мумкинми?

**Муроджон ДАВРОНОВ**  
Андижон вилояти

— Аввало электр маҳсулотларини кафолат муддати бор ёки йўқлигига эътибор берган ҳолда харид қилиш керак. “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, маҳсулотда кафолат муддатида топилган нуқсонларни СОТУВЧИ, истеъмомчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан ЙИГИРМА КУН ичида, ишлаб чиқарувчи эса ўн кун ичида БАРТАРАФ ЭТИШИ ЛОЗИМ.

#### Мулкий ҳуқуқ эгаси ким?

— Синглим турмуш ўртоғи билан қонуний ажрашди. Бирни 10, иккинчиси 7 ёшли фарзандларни синглим волга етказди. Ажрашишларидан олдин қуёвим катта ўғлига магнитофон олиб берган эди. Энди синглим уш сўмоқчи бўляпти. Ўғли эса қаршилик қилмоқда. Фарзанд тарбиясини ўз зиммасига олган она боласининг мулкий ҳуқуқларини ҳам бошқара оладими?

**К.ГРИГОРЕВА**  
Бухоро вилояти

— Фарзанднинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳада, мерос тариқасида қабул қилинган шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулк ҳисобланади. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасига биноан, бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлишга ҳақли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу ҳолатда она ўғлининг магнитофонини сотишга ҳақли эмас. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ота-онадан фарзандга бериладиган совға-саломлар учун ҳужжат талаб қилинмайди.

#### Синглим имтиёздан фойдаланадими?

— Узоқ йиллардан бери алоқа соҳасида меҳнат қилганман. Тақдир экан, синглим кўз касалиги туфайли яқинда биринчи гуруҳ ногиронлигини олди. Дугонамдан бир гап эшитиб қолдим. Уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ногиронларга компенсация берилар экан. Бу тўловдан солиқ ҳам олинмайди, дейишяпти. Шу гап тўғрими?

**Замира ҒИЁСОВА**  
Тошкент вилояти

— Республикамызда уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловлари жорий этилган бўлиб, у ойма-ой тўлаб борилади. Мазкур имтиёздан фойдаланувчилар қаторига ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлар, биринчи гуруҳ кўзи ожиз ногиронлар ҳам қиради. Улар ҳар ой энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорда компенсация олади. Уй-жой ва коммунал хизматларни тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига тўланадиган компенсация даромад солиғига тортилмаслиги ҳам рост. Демак, синглингиз мазкур имтиёздан фойдаланувчилар тоифасига қиради.

### Маборик.ай.уз!

“Самарқанд Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари Булуғтур туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиги, “Шухрат” медали соҳибни Бектемир ШОДИЁРОВНИ 60 ёши билан кутлайди. Унга сичат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт ҳамда ишлариде ривож тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси 50-баҳорини қарши олаётган филиал ва Бағдод почта алоқаси тармоғи ходимлари Арабжон МУЛЛАЖОНОВ ҳамда Ҳасанбой САМАДОВларни таваллуд айёмлари билан самимий кутлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахту камолини кўришликни тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиали жамоаси ҳамда Андижон вилояти алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма қўмитаси “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиали директори ўринбосари Камолддин Қамбардидиновни 45 ёшга тўлишни муносабати билан самимий табриқлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ-умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юришликни тилайди.

**САМБО**

**Ҳамюртларимизда  
25та медал**

Тожикистоннинг Хужанд шаҳрида самбо бўйича ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз 14 олтин, 10 кумуш ва 1 бронза, жами 25 медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Самбонинг спорт йўналиши бўйича Равшан Туракулов, Жонибек Муқимов, Шухрат Бобоев ва Суннатулла Азимов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Жанговар самбо бўйича гиламга чиққан Илҳом Сотволдиев, Зариф Расулов, Самад Рустамов ва Саттор Эргашев олтин медалга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда ҳамюртларимиздан Дилафрўз Абдурахимова, Обида Оллодустова, Гулмира Исматова, Шаҳло Йўлдошева, Наргиза Ҳамдамова ва Дилдора Убайдуллаева олтин медални қўлга киритди.

**ФУТЗАЛ**

**“Ардус” – чемпион!**

Мини-футбол бўйича Тошкентнинг “Ардус” жамоаси тўртинчи мартаба ўзбекистон чемпиони бўлди.

“Ардус” футболчилари чемпионатнинг йигирма тўртта учрашувидан фақат биттасида “Бунёдкор” билан дуранг ўйнади, қолган барча баҳсда рақиблари устидан зафар кучиб, жами 70 очко жамғарди. Пойтахтнинг “Бунёдкор” клуби чемпионатнинг кумуш медалига сазовор бўлди. “Чирчик” футзалчилари эса бронза медални қўлга киритди.

**ШАХМАТ**

**Кураш қизғин**

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар ўйида 130 нафарга яқин шахматчи иштирокда биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган “Toshkent open” IV халқаро турнири давом этмоқда.

Саккизинчи турдан сўнг россиялик Максим Туров, қозоғистонлик Ринат Жумабосевлар 6,5 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Ўзбекистонлик гроссмейстер Антон Филипповда олти очко бор. Таниқли гроссмейстерларимиз Тоҳир Воҳидов, Марат Жумаев, халқаро тоифадаги спорт усталари Владимир Егин ва Андрей Квондан ташқари Иброҳим Каримов, Беғали Саидов, Акмал Файзуллаев ҳамда Георгий Ли каби шахматчиларимиз ҳам халқаро турнир давомида беш яримтадан очко жамғариб, совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, 5-мавзе, 2-а уй, 51 хонадон учун Зарипова Гузал Аминова номига Юнусобод ТЖБИКХ бўлими томонидан берилган уй плани йўқолганлиги сабаби бекор қилинади.

**ФУТБОЛ**

**Эронликларга  
бас келиб бўлмади**

Осиё чемпионлар лигасининг учинчи турида Исфаҳонда қақшатқич зарба олган “Бунёдкор” ўз майдонида ҳам мағлубиятга учради.

**БУНЁДКОР (Ўзбекистон) — ЗОБ-АХАН (Эрон) — 0:1**  
Гол: Халатбори 29.

Бу мағлубият “Бунёдкор”ни жудаям оғир аҳволга солиб қўйди. “Қалдиғочлар” энди сўнгги икки баҳсда фақат галаба қозониши даркор. Айниқса, Жиддада “Ал-Иттиҳод” билан кечадиган ўйин гуруҳдан чиқиш масаласига ойдинлик киритади. Бу масалани ижобий ҳал этиш осон бўлмаслиги аниқ. 14 апрел кuni 5-турда жамоага Ривалло ва Анвар Гофуров ёрдам бера олмайди.

ОЧЛда иштирок этаётган “Пахтакор” жамоаси ҳам сафарда эронликларга мағлуб бўлди.

**СЕПАХОН — ПАХТАКОР — 2:0**  
Голлар: Туре 74, Бенгар 75.

“Пахтакор” ҳам ушбу мағлубиятдан кейин гуруҳда иккинчи ўринга тушди. Кураш ҳали давом этади.

**ЕЧЛда**

**қизиқарли баҳслар**

Сешанба оқшомида Европа Чемпионлар Лигасининг 1/4 финал дастлабки учрашувларига старт берилди.

Мюнхенда “Бавария” клуби “Манчестер Юнайтед”ни қабул қилди. Ўйиннинг иккинчи дақиқасидаёқ Руни ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда “Бавария” “уйғонди”. Дастлаб Рибери ўрталари мувозанатни тиклаган бўлса, ҳакам томонидан қўшиб берилган иккинчи дақиқада Олич дарвозани ишғол этиб, «Арена Мюнхен» стадионини ларзага келтирди.

**«Бавария» (Германия) — «Манчестер Юнайтед» (Англия) — 2:1**

Голлар: Руни, 2 — 0:1, Рибери, 76 — 1:1, Олич, 90 — 2:1.

Чемпионлар Лигасининг 1/4 финалига етиб келган Франциянинг икки гранд клуби дастлаб “Лион” майдонида ўзаро тўқнаш келишди.

1/8 финалда “Реал”ни мусобақадан чиқариб юборган “Лион” клуби “Бордо”ни осонлик билан мағлубиятга учратди.

**“Лион” (Франция) — “Бордо” (Франция) — 3:1**

Голлар: Лисандро Лопес, 10 — 1:0; Шамах, 14 — 1:1; Бастос, 33 — 2:1; Лисандро Лопес, 76 — 3:1 (пеналтидан).

Чемпионлар лигасининг 1/4 финали марказий учрашуви — “Арсенал” ҳамда “Барселона” қаршилигида ажойиб ўйин гувоҳи бўлди.

Биринчи бўлимда гол киритилмаган бўлса-да, “Барселона” юксак даражадаги ўйинни намойиш этди. “Арсенал” дарвозабони Алмуньянинг маҳоратига жамоани кўлаб голлардан сақлаб қолди, ammo иккинчи бўлимнинг дастлабки ўн беш дақиқаси ичида Златан Ибрагимович дубл муаллифига айланди. Учрашув охирида “Арсенал” икки тўп киритиб, жавоб ўйини олдида “интрига”ни сақлаб қолди.

**“Арсенал” — “Барселона” — 2:2**

Голлар: Уолкотт, 69, Фабрегас, 85 (пен.) — Ибрагимович, 46, 59

“Интер” ҳамда Москванинг ЦСКА жамоалари ўртасидаги учрашувда ягона гол муаллифи 65-дақиқада Диего Милито бўлди. Аргентиналик ҳужумчи ҳимоячилар қуршовидан туриб Акинфеев қўриқлаётган дарвозани ишғол қилди.

**“Интер” — ЦСКА — 1:0**

Гол: Милито, 65

Чемпионлар лигаси 1/4 финалининг жавоб учрашувлари 6-7 апрел кунлари ўтказилади.

**Утганларнинг охирати обод бўлсин**

<p>«UNICON.UZ» ДУК ва «СIB GROUP» МЧЖ жамоалари «Алоқинформ» журнали бош муҳаррири <b>Жалола САИДУРОДОВ</b>нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.</p>	<p>Қашқадарё радиотелевидение узатиш маркази жамоаси меҳнат фахрийси <b>Алланазар АБДУЛЛАЕВ</b>нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК жамоаси Қашқадарё радиотелевидение узатиш маркази собиқ директори <b>Алланазар АБДУЛЛАЕВ</b>нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>“ЎЭИ-Қарши” филиали жамоаси филиалнинг мижозлар билан ишлаш бўлими ассистенти <b>Мукаррам Аҳмедова</b>га отаси <b>Иброҳим АҲМЕДОВ</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.</p>

**Xabar**

**МУАССИС:**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

**Бош муҳаррир:  
Абдусанд КҮЧИМОВ**

**ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:**

**Ҳақим МУҲИТДИНОВ**  
(Хайъат раиси)  
**Асалжон ХҲЖАЕВ**  
**Миродил САНГИЛОВ**  
**Шухрат СОДИҚОВ**  
**Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ**  
**Сувоп НАЖБИДДИНОВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Содиқжон ҚОСИМОВ**  
**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ**  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
**Лутфилло ТУРСУНОВ**  
(масъул котиб)

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума кuni чикади

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 233-36-48; 233-80-20,  
236-35-29.  
Факс: 236-36-42.  
E-mail: info@xabar.uz

Тахририятга келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал —** Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
**Маянзил:** Тошкент шаҳри, “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

G-302 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алади: 17425 нусха.

Баҳоси келишидан нарҳда.  
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

**ISSN 2010-6424**

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5

Яхши хулқ, одоб инсоннинг зийнати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай одамлар ҳар қандай вазиятда ҳам бошқалар билан тил топиша оладилар, муаммоларни қийналмай ҳал қилдилар.

Айтишларича, қадимда бир подшо бўлган экан. У бир куни туш кўрибди. Тушида онаси оппоқ қушга айланиб осмонга

учиб кетганмиш. Подшо кўрган тушидан кўрқиб кетибди, ҳар қанча ўзини тинчлантиришга ҳаракат қилмасин, хаёлига ваҳимали фикрлар келаверибди. Ниҳоят, подшо вазирилари, таъбирчиларни чақириб, кўрган тушини баён этибди. Таъбирини айтиш учун бир кунлик муҳлат берибди.

Эртасига улар шоҳ саройига тўпланибдилар.

— Хўш, — дебди подшоҳ, — Тушимнинг таъбирини топдиларингми?

— Топдим, олампаноҳ, — дебди таъбирчи буюрганлардан бири. — Онангининг жуда оз кунлари қолибди. Шу сабаб уларга кўпроқ эътиборда бўлмоғингиз керак бўлади.

— Яна ким топди тушимнинг таъбирини, — сўрабди подшоҳ гамгин қиёфада, киприклари намланиб.

— Олампаноҳ, руҳсат берсангиз мен ҳам фикримни билдирсам, — дебди таъбирчилардан яна бири мулойим товушда, тавозе билан.

— Гапиринг, — дебди

# Хулқи хушнинг умри хуш

подшоҳ. — Онангиз барча гуноҳларидан фориг қушдай енгил бўлибдилар. Иншоаллоҳ, улар учун жаннатнинг барча эшиклари очилгайдир.

Подшоҳ иккинчи сўзлағувчига бош-оёқ сарпо қийдирибди.

— Сен гапларингга чиройли либос кийдиришни ўрган, — дебди биринчи таъбирчига. — Шунда тилинг бошингга бало келтирмайди.

Бу ривоятдан шу нарсани уқиш мумкинки, хушмуомалалик, гапни эшитувчига чиройли ҳолатда етказа билиш ҳам маданиятлилик белгиси бўлиб, инсоннинг ички дунёси гўзаллигидан, ақли етуқлиги ва фикри тиниқлигидан далолатдир. Хулқи хушнинг умри хуш деб бежиз айтмайдилар.

...Бир гуруҳ аёллар шифоҳонада даволаниб чиққан қўшни

## MA'RIFAT

аёлни кўргани чиқишади. Шунда бир аёл ҳовлиқиб кириб келади ва кечиккани учун узра сўрайди. Сўнг кўчадан эшитгани, янги хабарни етказишга ошиқадди.

— Эшитдиларингми, ёнимиздаги маҳаллалик Каромат опа оламдан ўтибди.

— Вой, кечагина мактабдан келаётгудий-я, нима бўлибди.

— Доимий равишда қони кам бўлиб юраккан. Камқонлик ҳам ёмон касаллик.

Худди шу касалликдан азият чекиб, даволаниб чиққан бемор аёлнинг ранглари оқариб, оҳиста ёстиққа ёнбошлайди...

Халқимизда “Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир” деган ажойиб мақол бор. Бу ҳар қандай гапни олдин яхшилаб ўйлаб, ҳеч кимга озор бермайдиган тарзда сўзламоқ лозимлигига ишоради. Бежизга доноларимиз кам гапириб, кўп эшитиш лозимлигини уқтирмаганлар.

Яхши хулқли, ширин тилли бўлайлик, азизлар, шунда умримиз ҳам сермазмун ўтади.

Гулбаҳор ҲАЙДАРОВА, педагог

## BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Ҳурматли газетхон! Илгарилари барча илмий, тарихий, бадиий асарлар ҳаттотлар томонидан қўлда кўчирилганидиган хабарингиз бор. Юртимизда биринчи тошбосма қачон ва қерда ташкил этилганлигини биласизми?

“Xabar” нинг 8 (909)- сониде эълон қилинган “BILIMINGIZNI SINAB KO'RING” рукнидаги саволга жавоблар:

— Замонавий компютернинг барча хусусиятларини ўзида жамлаган илк ҳисоблаш машинаси — Z3 1941 йилда немис муҳандиси Конрад Цузе томонидан яратилган.

Матлуба НАСРИДДИНОВА, “ТШПТ” филиали ходими

Ушбу саволимизга, шунингдек, оққўрғонлик С.Қўлдошева, бухоролик М.Зариповалар ҳам тўғри жавоб йўллашган.

## DASTURXONGA MARHAMATI QOVURMA

Масаллиқлар: 400 г. гўшт, 1 кг. картошка, 3 бош пиёз, 3та сабзи, 150 г. мой, 4 дона помидор, 2 қошиқ томат, ярим боғ кўк пиёз, укроп, туз ва зираворлар.

Гўшт лўнда-лўнда, картошка эса паррак-паррак ёки кубик шаклида кесилади. Сўнг сабзи ва пиёз тўғралади. Қиздирилган мойда аввал, гўшт, сўнг пиёз қовурилади. Кейин томат, сабзи, помидор ва картошка солиб, қовуриш жараёни яна 10 дақиқа давом эттирилади. Туз ва зираворлар солиниб, масаллиқлар ботадиган даражада сув қуйиб қайнатилади. Бу таом дастурхонга тортилишидан аввал усти майда тўғралган кўк пиёз ва укроп билан безатилади.

## "Kulgi.NET"

Ўқувчи ўқитувчидан сўради:

— Устоз, манови масалани кеча уйда ечганимда бошқача жавоб чиққанди. Синфда қайта ечиб кўрсам, бошқача жавоб чиқяпти.

Нима қилсам экан-а?

Ўқитувчи ўйланиб қолди ва деди:

— Энди кўчада бир ечиб кўр-чи?

Зобит кўл остидаги аскарга дўқ

уриб, деяпти:

— Мен сизни уч марта чақирдим, келмадингиз. Нима бўляпти ўзи?

— Мени кечиринг, жаноб зобит, кўнгироқ овозини эшитмабман.

— Ундай бўлса, дарҳол ёнимга

келиб, кўнгироқ овозини эшитмаганингизни айтишингиз керак эди.

— Рустам, дўстим, мен бугун интернетда шунақанги кетворган қиз билан танишдимки! Ёши ўн саккизда, институтнинг биринчи курсида ўқийди. Эрмага тушликда илк учрашувимиз бўлади.

— Мабодо исми Гуля эмасми?

— Сен қардан биласан?

— Ассалому алайкум, Шухрат ака!

## SIZ QANDAY IZOHLAYSIZ?



Изоҳ: Паролини кўйдингми?

## Ёмғир ўрнига...

1985 йили Техасда бир кишининг боғига осмондан балиқлар туша бошлади. Уй эгаси ташқарига чиққанида эса ҳовлиси тирик балиқларга тўлиб кетган эди.

Худди шунга ўхшаш воқеа Бирмингемда ҳам содир бўлган. Аввал қаттиқ чақмоқ чаққан, кейин эса самодан ёмғир ўрнига қурбақалар ёғилган. Англия ва Францияда 1977 йил, Америка Қўшма Штатларининг Арканзас штатида эса 1973 йили шу каби ҳодисалар содир бўлган.

1987 йил Англияда осмондан бир қанча вақт кум ёғилади. Олимлар кумни текшириб, бу кумларнинг Сахрои Кабирга тегишлилигини аниқлашди.

## Газетхон изохлари:

Мен сиздан қачон тилла зирак олиб берасиз, деб сўраяман.

О.РАҲМАТОВА  
Куйичирчиқ тумани

Харажатдан гап очсам почта титкилашга тушасиз-а?

Ю.ҲАМИДОВ,  
Сурхондарё вилояти

## BILASIZMI?

● Қайнатишган гуруч оппоқ бўлиб чиқиши учун сувга бир неча томчи лимон шарбати ёки бир чимдим лимон кислотаси қўшиш лозим.

● Қаттиқ тугулиб қолган туғунга талк ёки уна сеялса осонгина ечилади.

● Гўшт қиймалагининг тиги ўтмаслашиб қолмаслиги учун алоҳида сақлаш керак.

## Dono'lar g'oidiku...

Тўрт нарса кўзни хиралаштиради: яланг оёқ юриш, душман юзини кўриш, кўп йиғлаш ва қоронғида оқ нарсага кўп тикилиш. Тўрт нарса обрўни зиёда қилади ва яхши кайфият бағишлайди: ваъдага вафо қилиш, аҳдида мустаҳкам туриш, саховатли бўлиш, эл билан қичқилиш.